# ЧИГИТ ЭКИШГА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛСИН!



Ўрта Чирчиқдаги «Коммунизм» колхозининг коммунист ўртоқ Акбар Сафаралиев бошлиқ комплекс механизациялашган звеноси пахтакорлари бу йил Янтоқсой массивидаги қўриқ ерларни ўзлаштиришди. Улар 45 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга бел боғлашди. Бу пландагидан 14 центнер кўпдир. Ҳозир звено аъзолари чигит экиш кампаниясига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишган. Пахтакорлар барча дала ишларини Валентин Тюпко методи асосида бажаришади. Суратда: звено бошлиғи Акбар Сафаралиев чигит экадиган сеялкани текшириб кўрмоқда.

Қ. Розиқов фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

## ОНАХОН ПАХТАКОРНИНГ ҲИММАТИ

Анави куни ҳаво очиқ бўлди. Икки кун ёққан ёмғир тўхтади. Табиат яна ҳам яшнаб кетди. Ариқ бўйлари ва адрлар кўм-кўк майсалар билан безанди. Баҳор деҳқонни қўзғатди. Анна Дмитриевна дала айланиб соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларди. У, 7-бригаданинг чигит экадиган карталарини зерикмай айланиб чиқди. Олтмиш бир баҳорни кўрган бу кекса аёл чарчоқ сезмади. Дала унинг баҳри-дилини очди, ўзини бақувват ҳис қилди.

Анна шудгор қилиб қўйилган картада узоқ тўхталиб қолди. Ҳайдалган ернинг чуқурлигини ўлчаб кўрди. Тупроқни кафтига олиб эзди. Яна олди, кўздан кечирди. Унинг юзида ўзгариш пайдо бўлди. Пешонасидаги чизиқлар кўпайди: ер қотиб қолибди. Шудгор пайтида ўғит солиниб ҳайдалмабди. Ташиб чиқарилган маҳаллий ўғитни ҳам кўздан кечириб чиқди. Аннанинг бу ишдан ҳам кўнгли тўлмади. Энди пландаги ўғитнинг ярми келтирилибди. Компост тайёрлашдаги қилинган ишни ҳам мақтаб бўлмайди. Далада ишлаётган кишилар ҳам кам.

Анна Дмитриевна тўппа-тўғри бригадирнинг олдига келди. Кўрган-билганлари ҳақида ачиниб гапирди.

— Очиғи ўғлим, — деди у бригадирга, — камчиликлар яна такрорланибди. Иш мен ўйлаганча эмас. Агар ишлар шу зайлда кетаверса бу йил ҳам план бажарилмай қолади.

Анна бригадир Муртазонинг камчиликларини ҳеч тортинмай айтди.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, деб мени пенсияга чиқарган эдинглар. Сиз кўтарган байроқни қўлдан бермаймиз, олдинги марраларга элтамиз дегандинглар. Хўш, энди нима бўлди, — деди Анна опа аччиғланиб, — ҳосилни камайтириб юбординглар, икки йилдан бери силжимай қўйдинглар-у. Бу йил яна шундоқ бўладими энди. Пахта энг кўп меҳнат талаб қиладиган экин. Буни унутмаслик керак. Ҳар бир иш ўз вақтида бажарилмаса ҳосилдан умид кутиб бўладими, ахир!

Бригада бошлиғи мулзам бўлди, ҳеч нарса деёлмади. Ниҳоят:

— Гапингиз тўғри. Йигирма йил бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, мўл ҳосил олмаган йилингизни билмаймиз, — деди.

— Шундай экан, айб ердами? — деди опа.

— Айб бизда. Қолаверса менинг кишилар билан билиб ишлолмаслигимда. Тўғри, ерга ҳам яхши қарамаяпмиз. Ҳосил ҳам камайиб кетди...

Анна бригадирнинг сўзини бўлди:

— Энди мен уйда қўл қовуштириб ўтира олмайман. Ерни ҳамма нарсадан азиз деб биламан. Бир қарич ернинг умрини бекор ўтказиш инсофдан эмас. Майли, мен икки йил дам олдим. Шунинг ўзи кифоя. Яна ишга қайтаман, қўлимдан келганича сенга ёрдам бераман. Йўл қўйилган доғни биргалашиб ювамиз.

Кечқурун Анна Дмитриевна колхоз идорасига келди. Правление аъзоларига бригадада кўрган-билганларини айтиб берди. Кейин ўзини далага чиқиб ишлашга аҳд қилганлигини айтди.

— Биз қариямиз деб коммунизм қурилиши ишида четда турайликми, деди у. — Колхозда ёшларимиз кўп, улар меҳнатда олдинги сафларда бўлишга ҳаракат қилишяпти. Мен ҳам улардан орқада қолмасликка ҳаракат қиламан. Меҳнат менинг умримни узайтиради.

Онахон ташаббуси кўпчиликка маъқул тушди. Идорага бригада бошлиғини таклиф этишди. Бригадада ишни звено принципи асосида ташкил этиш ҳақида кўпгина қимматли фикрлар айтилди. Анна Дмитриевна кам ҳосил олиб келинган 26 гектарлик картага звено бошлиғи қилиб тайинланди. Анна Дмитриевна бошлиқ звено пенсионерлар ҳисобига ташкил топди. Бу таклиф ҳам қўллаб-қувватланди. Звенога яқиндан ёрдам бериш учун зарур чоралар кўрилди. Колхоз партия ташкилотининг секретари Абдумажид Аҳмедов звенони ҳар тарафлама мустаҳкамлашни ўз зиммасига олди. Партком секретари звено бошлиғи билан уйма-уй юрди, пенсияга чиққан кексалар билан гаплашишди. Қолоқ бригадаларни илғорликка кўтариш ишида уларни ҳисса қўшишга чақиришди. Ҳа, бу гап кўп қарияларга маъқул тушди. Улар ўзларининг ҳурматли ва қадрдон дўсти Анна билан бирга ишлашга сўз беришди. Ҳозир 15 га яқин пенсионер ўша звенода.

Анна Дмитриевна Полюнина пенсиядан ижодий меҳнат қилишга қайтди. У энг кам ҳосил етиштирилаётган звенога бошчилик қила бошлади. Звенода кейинги бир неча кун ичида қилинаётган ишлардан ҳамма хурсанд. Звено аъзолари ариқ-зовурлар қазишни кучайтиришиб юборишди. Ортиқча ариқларни бузиб ерга қўшишяпти. Чигит экиладиган ерлар тартибга солиниб текисланмоқда. Механизатор Садрид Узаиров кўплаб маданий ўғит ташиб чиқаришга сўз берди. Ёш механизатор кунлик топшириқни бир ярим бараварга етказиб бажармоқда.

Об-ҳаво яхшиланган сари кекса пахтакорнинг звеносида иш кучаяпти. Экишга пухта тайёргарлик кетяпти Хув ана, кўксида Ленин ордени порлаб турган, қотмадан келган, паст бўйли аёл дала томон дадил қадамлар билан кетяпти. Унинг умиди катта. Ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтарамиз демоқда. Биз унинг бир сўзли эканлигини яхши биламиз. У доимо сўзига амал қилган онахонларимиздан.

М. ҒОЗИЕВ,
Янгийўлдаги «Интернационал» колхози.

## ТАРБИЯ МАКТАБИ

Бошланғич партия ташкилотларида ўтказиладиган партия мажлислари коммунистларни тарбиялашда катта роль ўйнайди. Коммунистлар бундай йиғилишларда сўзга чиқиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташлайдилар, ўз режалари ҳақида сўзлаб берадилар.

Шу сабабли ҳар бир партия йиғинига пухта тайёргарлик кўриш ғоят катта аҳамиятга эга. Аввалдан яхши тайёргарлик кўрилган мажлислар галдаги муҳим вазифаларни ҳал этишда коммунистларга яқиндан ёрдам беради. Уларни ишга бўлган муносабатларини ўзгартириб, янгича ишлашга даъват этади.

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия ташкилотларида партия йиғилишларини юқори савияда, таъсирчан ўтказишга жиддий эътибор берилмоқда. Буни Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотининг ишидан ҳам кўриш мумкин. Бошланғич партия ташкилоти коммунистларнинг мажлисига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўради Муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлашга оддий коммунистлар ҳам жалб этилади. Улар ишларни атрофлича кўздан кечириб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини айтишади. Сўнгра партия бюроси қайси масала муҳим бўлса, ўшани умумий йиғилишга ҳавола қилади. Шу сабабли йиғилишда коммунистлар ҳар бир масалани пухта муҳокама қилишади. Деҳқончиликка доир ишлар юзасидан ҳам, партиявий-сиёсий ишлар юзасидан ҳам конкрет қарорлар қабул қилиб, уни бажаришда шахсан намуна кўрсатишади.

Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти квартал планига эга. Мажлислари мунтазам ўтиб турибди. Бундай қувончли фактни «Полярная звезда» колхози партия ташкилоти ишида ҳам яққол кўриш мумкин. Партия ташкилоти коммунистларнинг бутун куч ва ғайратларини хўжалик ишларини муваффақиятли бажаришга қаратмоқда. Бу ерда оммавий-сиёсий, ташкилий ишлар хўжалик ишларига боғланган ҳолда олиб борилаяпти. Партия йиғилишларида кўрилаётган масалалар ранг-баранг. Темаси бой. Ҳаётий актуал. Докладлар юзасидан бўлган музокаралар ҳам қизиқарли ва таъсирчан бўлади. Ишдаги камчиликлар танқид остига олинади. Фойдаланилмаётган резервлар очиб ташланади. Колхоз коммунистларининг куч ва ғайрат кўрсатишлари орқасида ердан фойдаланиш тартибга солинди. Алмашлаб экиш, ернинг структурасини яхшилаш соҳасида йўл қўйилган бир қатор камчиликлар тузатилди.

Партия ташкилотининг мажлиси фақат қарорлар қабул қилиш билан кифояланиб қолмайди, шу билан бирга унинг ижроси учун ҳам қаттиқ курашади. Ҳар бир коммунистнинг партия қарорини бажариш ишига қандай ҳисса қўшаётганлиги ҳисобга олиб борилади. «Северний маяк» ва бошқа колхоз партия ташкилотларида ҳам коммунистларнинг йиғилишлари планли равишда ўтиб турибди. Бу йиғилишлар кадрларни тарбиялашда ҳақиқатан ҳам катта мактаб бўлмоқда.

Лекин ҳамма ерда ҳам шундай деб бўлмайди. Баъзи партия ташкилотларида йиғилишларга унчалик аҳамият берилмайди. Шу сабабли ҳам муҳим масалалар юзаки муҳокама қилиниб, расмият учунгина қарорлар қабул этиш билан кифояланиб қолинади. Бундай ташкилотларга районлараро базаси, алоқа бўлими, маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинати партия ташкилотларини кўрсатиш мумкин. Бу ерларда 3—4 ойлаб мажлислар ўтказилмайди. Район маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинати партия ташкилотида иш планли ташкил этилмаган. Бу ерда кейинги 9 ойдан бери бир марта ҳам йиғилиш ўтказилгани йўқ. Партия ташкилоти корхона ишлаб чиқаришига доир муҳим масалаларни тез-тез муҳокама қилиб туришни унутиб қўйган. Ёшларни тарбиялаш ва уларни партияга қабул қилиш ишлари билан ҳам аҳён-аҳёнда шуғулланади, холос.

Бугина эмас. Бошқарма партия комитетига қарашли колхоз ва совхозларнинг бўлимларида, фермаларида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотларида ҳам аҳвол ана шундай. Партия йиғилишлари жуда кам ўтказиляпти. Шундай партия ташкилотлари ҳам борки, улар бошқарма ва бошқарма партия комитети томонидан юборилган директиваларни муҳокама қилиш учун мажлислар чақириб, қарор қабул қилиш билан кифояланишяпти, холос. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ишлаш, партия аъзолигига кандидат бўлган кишиларга берилган топшириқларнинг бажарилишига оид муҳим масалалар муҳокама қилиниб турилмаяпти. Агитаторлар ва агитпункт мудирларининг фаолиятини муҳокама қилиш унутиб қўйилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим жойларда партия мажлисларига мунтазам равишда қатнашиб турмайдиган коммунистлар ҳам бор. Аммо бундай интизомсиз кишиларга нисбатан ўз вақтида чора кўрилмайди. Коммунистларнинг активлигини ошириш, уларнинг сўзга чиқиб туришларига кўпинча эътибор берилмайди. Одатда, «штатли нотиқ»лар сўзга чиқиш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Партия мажлисларини ўтказишда бундай юзакичиликка барҳам бериш керак. Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети ва унинг инспектор—партия ташкилотчилари жойлардаги йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида тузатиш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқлари керак. Ана шундагина ҳар бир ерда партия йиғилишлари юқори савияда ўтади. Унинг таъсирчанлиги ошади.

А. АБРАМОВ.

## НОВАТОР ИЗИДАН

**ТЎЙТЕПА. (Ўз мухбиримиздан). Кунлар исиб, ер селгиши билан чигит экишга тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда. Терешкова номли колхознинг далаларида бўлсангиз, бу соҳада қилинаётган ишларни кўриб қувонасиз.**

**Мўл ҳосил учун курашда колхознинг ўртоқ Ғулом Пирмуҳамедов, Юсуп Юнусов ўртоқлар бошлиқ бригадалари пешқадамлик қилмоқдалар.**

**Колхоз раиси Умри Ҳасанова механизаторликдан етишиб чиққан кадр эмасми, у пахтачиликни комплекс механизациялашга жиддий эътибор бермоқда.**

**Бу йил асосан чигит 60х50 схемасида квадрат-уялаб экилади. 17 экипаж тайёр, унинг аъзолари билан амалий машғулотлар ўтказилди. Бу машғулотларда тракторчилардан С. Усмонов, Х. Саидғозиев, Қ. Худойбердиев ўртоқлар айниқса ўрнак бўлаётирлар.**

**Колхозда бу йил 17 та трактор-далачилик звеноси тузилди. Уларга тажрибали механизаторлар бошлиқ қилиб тайинланди. Звенолар республиканинг донгдор механизатори Жавод Кўчиевнинг изидан бориб, унинг усулини қўллаб, мўл ва арзон пахта етиштиришга бел боғладилар.**

**Бу жиҳатдан ўртоқ С. Усмонов звеноси иши диққатга сазовордир. Звенога 40 гектар ер ажратиб берилди, 9 ишчи кучи ва керакли техника бириктирилди. Звено аъзолари ишни хўжалик ҳисобида юритмоқдалар. Колхоз правлениеси билан ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти тўғрисида шартнома тузилди.**

## ИЛҒОРЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ИШИ

**«Ленинобод» колхози Оққўрғон бошқармасидаги йирик пахтакор хўжаликлардан ҳисобланади. Ўтган йили бу колхоз пахтакорлари юқори ҳосил кўтариб, зиммага олган мажбуриятларини ҳам ошириб бажаришга эришдилар. Пахтакорлар бу йилги мавсумга ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўришаяпти. Колхозчиларнинг самарали меҳнати туфайли ҳозиргача 6 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит жамғариб қўйилди. Ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ҳам тугалланай деб қолди. Шу кунгача 15.300 кубометр ҳажмида ариқ-зовур тозалаш ишлари бажарилди. Барча қишлоқ хўжалиги техникаси тўла шай ҳолга келтирилди. Ер текислаш ишлари, авж олиб кетди.**

**— Бу йил, — дейди колхоз раиси ўртоқ Карим Эгамбердиев, — она-Ватанга 3.800 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берамиз. Бу юксак мажбуриятни муваффақиятли ўринлаш учун ҳозирги ғанимат фурсатлардан унумли фойдаланаяпмиз. Илғор бригадалар айрим қолоқ, кам ҳосилли бригада ва звеноларимизни ўз оталиқларига олишди. Бу тадбир қолоқ участкаларда ҳам ҳосилдорликни оширишга имкон беради.**

**Раис ҳақ гапни айтди. Колхозда амалга оширилаётган бу тадбирлар бу йил ҳам барча далаларда мўл «оқ олтин» етиштирилишидан дарак беряпти.**

**З. АБДУРАҲМОНОВ.**

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

## УРУҒ САРА БЎЛСИН

Ота-боболаримизнинг нима эксанг шуни оласан, деган ҳикматли мақоли бор. Буни — ерни экишга яхшилаб тайёрлаганинг ва ўғитга тўйдирганинг билан экадиган уруғинг сара бўлмаса, турли хил бегона ўт уруғликларидан тозаланмаса, униш ҳамда кўкариш хусусиятлари яхши бўлмаса, меҳнатинг зое кетиши мумкин, деган маъно билан тенгласа бўлади.

Лекин колхоз ва совхозларни уруғлик билан таъминлайдиган ташкилотлар эса кўпинча бу талабларга риоя қилмаяптилар. Сара уруғлик тайёрламаяптилар.

Сабзавот экинларидан мўл ҳосил олишда донг таратган Калинин бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозда 1963 йилда 13 гектар ерга сабзи экилди. Унинг уруғлигини Тошкент уруғчилик базаси етказиб берган эди.

Зўр умид билан ерга уруғ сепган деҳқонлар экинни ўз вақтида суғордилар, ўтдан тозаладилар, озиқлантирдилар. Лекин минг афсуски, ҳосил кутилгандагидек бўлмади. Уруғлик сифатсиз бўлганлиги туфайли 90—95 процент сабзи эркаклаб кетди.

Колхоз правлениеси Тошкент уруғчилик базасига шикоят ёзди. Сотган уруғликлари қандай ҳосил берганлигини келиб кўришларини талаб этди.

База директори ўртоқ Григорянц колхозга келиб бошқарма агрономлари билан биргаликда даланиң айланиб кўрди. Колхозчиларнинг шикояти ўринли ва эътирозлари ҳақли эканлигини тан олди, акт тузилди. Актда колхоз бўйича 8 гектар ерга экилган сабзидан 120 тонна ўрнига 2 тоннаю 305 килограмм ҳосил олинганлиги кўрсатилди. Шундай қилиб, колхоз бундан 19 минг 500 сўм зарар кўрди.

Бошқармадаги «Маданият» колхозида 1962 йили 10 гектар эртаги, 10 гектар кечки карам экилганди. Экин агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда парвариш қилинди. Эртаги карамнинг ҳар гектаридан 36 тоннадан ҳосил олинди. Кечки карам ҳосили бундан ҳам мўл бўлиши керак эди. Лекин гектаридан олинган ҳосил атиги 6 тоннаданга тўғри келди. Уруғлик ёмон бўлганлиги учун ҳосилдорлик 65—70 процент камайиб кетган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сиз ёз кунларида колхоз ва коопторг магазинларида бўлсангиз аҳоли у ерга келтириб қўйилган сабзавот маҳсулотларини жуда суст харид қилишини кўрасиз. Улар нархи қиммат бўлса ҳам сабзавотни хусусий кишилардан сотиб оладилар. Нега деганингизда колхоз дўконларидан олинадиган сабзавотнинг сифати бўлмайди, сабзиси эркаклаб кетган, туруплари эса аччиқ бўлади.

Демоқчимизки, Тошкент уруғчилик базасидан олиб экиладиган сабзи, пиёз, лавлаги, редиска, қовун-тарвуз ва бошқа экинларнинг уруғликлари айниб қолган.

Оқ қовун деб эксангиз, баъзан унинг ўрнида қизил уруқ қовун ва бошқа навдаги қовунлар етишиб чиқади. Уруғликнинг ичида ўт уруғлари ҳам бўлганлиги туфайли экинни баъзан зарпечак босиб кетади.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга аҳолини йил бўйи янги сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туриш вазифаси қўйилди. Ана шу вазифани бажаришда уруғликнинг сара бўлиши ҳам энг ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Лекин очиқ эътироф этиш керакки, уруғ тайёрлаш иши бизда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган.

Маълумки, уруғ етиштириш иши билан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва етиштириш министрлигининг Тошкент, Андижон, Самарқанд ва бошқа областлардаги базалари шуғулланадилар.

Тошкент уруғ тайёрлаш базаси Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Маданият» колхозида, Бўзсув ва «Тошкент» совхозларида сабзавот уруғликлари, Карл Маркс номли ва «Ўзбекистон» колхозларида эса картошка уруғлиги етиштирадилар. Уруғлик участкаларга базанинг агрономлари раҳбарлик қиладилар.

1962 йили «Маданият» колхозида 3 гектар ер ярмига қизил, ярмига оқ редиска экиш учун ажратилди. Колхоз уруғ топшириш планини ошириб бажариш мақсадида 3 гектар ўрнига 5 гектар ерга редиска экди. Экин яхши парвариш қилинди. Бироқ кейинчалик шу нарса маълум бўлиб қолдики, уруғликнинг 62 проценти бошқа нав редиска экан. Шу туфайли уруғлик участка брак қилинди. Ёз бўйи қилинган меҳнат зое кетди. Ернинг умри бекорга ўтди. Ваҳоланки бу уруғликни базанинг ўзи 1961 йилда экиб тайёрлаган эди. Ҳужжат бўйича редисканинг бу уруғлиги биринчи категорияга киритилган. Ҳақиқатда эса у яроқсиз бўлиб чиқди. Бу ўзини-ўзи алдаш эмасми?

Яна бир мисол. 1962 йилда 3,5 тонна қизил сабзи уруғлиги тайёрланди. Лекин текшириб кўрилганда унинг ичида зарпечак уруғи борлиги ҳам маълум бўлди. Уруғлик машина ёрдамида бир неча бор тозаланди. Бироқ қанча уринмасинлар уни зарпечак уруғлигидан обдон тозалаш мумкин бўлмади. Шундан кейин уни қайтариб юбордилар. Йил охирига бориб бундай ҳисоб-китоб қилиб кўрсалар база бўйича уруғлик тўплаш плани бажарилмабди. Шундан кейин нима қилдилар денг, ҳалиги бракка чиқарилган сабзи уруғлигини қайтадан расмийлаштириб қабул қилиб олдилар. Экиш учун деб колхоз ва совхозларга жўнатдилар.

Кўпгина колхозларда ва совхозларда картошкадан паст ҳосил олинаётганлигининг сабаби ҳам етказиб берилаётган уруғликнинг нави ва сифати ёмонлигидадир.

Улардан келиб чиқадиган хулоса шуки, уруғ тайёрлаш базасидаги ўртоқлар ҳозирги талаб даражасида ишламаётирлар. Улар план орқасидан қувиб тайёрланадиган уруғнинг сифати ва нави яхши бўлишини унутиб қўймоқдалар.

Маълумки, чеснок халқимизнинг кўп истеъмол қиладиган сабзавотларидандир. Унинг киши саломатлиги учун фойдаси катта. Лекин уруғлик бўлмаганлиги учун колхоз ва совхозлар чеснок экмаётирлар.

Тўғри, колхоз ва совхозларни мўл ҳосил берадиган уруғликлар билан таъминлаш муҳим вазифа эканлиги ҳақидаги гаплар сабзавотчиларнинг йиғинларида кўп марта такрорланади. Лекин гап бўлгани билан, амалий натижа кўринмаяпти.

Хўш, аҳвол қачонгача шу зайлда давом этади. Ахир партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун ҳамма шароит ва имкониятларни яратиб бераётган бир пайтда, уруғлик тайёрлаш ишига масъулиятсизлик билан қараб бўладими?

С. УМАРОВ,
агроном.

## САБЗАВОТ ЭКИШ АВЖИДА

**Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги генерал Собир Раҳимов номли колхознинг миришкор сабзавотчилари ўтган йилгидек бу йил ҳам баракали хирмон кўтариш учун кураш олиб бормоқда. Улар бу йилги мавсумда 285 гектар ерга картошка, 190 гектар ерга сабзавот ва 25 гектар ерга полиз экинлари экишни планлаштирганлар.**

**Ҳозир колхозда эртаги сабзавот экиш авж олдириб юборилди. Коммунист Муса Ҳамидов бошлиқ бригада аъзолари экишда олдинда бормоқдалар. Шу кунгача бригаданинг 6 гектар ерига карам, 8 гектар ерига картошка экилди. Колхоз бўйича эса ҳозиргача 23 гектар ерга картошка, 26 гектар ерга нўхат, 5 гектарга пиёз, 6 гектарга редиска, 15 гектарга карам экилди.**

**Шунингдек, бошқармадаги Свердлов номли колхозда ҳам эртаги сабзавот экиш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Дастлабки икки кун ичида колхознинг 25 гектар ерига карам экилди. Сабзавотчилар шу кунларда бошқа экинларни экишга ҳам қизғин киришиб кетдилар.**

**М. МУҲАМЕДОВ,**
**Н. ҚОДИРОВ.**

## ТОШБУВИ БРИГАДАСИДА

*1-«Оҳангарон» совхозининг 2-бўлимидаги ўртоқ Тошбуви Давронова бошчилик қилаётган бригадада 35 киши ишлайди. Уларнинг 25 таси хотин-қизлардир. Бригада аъзолари КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарорларидан илҳомланиб барча экин майдонларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Улар ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олишган. Ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта, 500 центнердан лавлаги, 200 центнердан қовун-тарвуз олиш — меҳнатсеварларнинг бу йилги жанговар шиоридир. Ҳар бир ишчи ўз сўзининг устидан чиқиш учун далада астойдил меҳнат қилмоқда.*

*Ҳозиргача дала бошларига 700 тоннадан ортиқ гўнг, 250 тонна компост ташиб чиқарилди. Мавжуд ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозаланди. Уюшқоқлик билан меҳнат қилинаётганлиги туфайли бригадада дала ишлари графиги ҳар куни ошириб бажариляпти. Айниқса Анор Холтўраева, Ўрингул Ўрозматова, Хурсанд Бозорбоева сингари ўртоқлар кунлик нормаларини 150 — 170 процентдан бажариб, бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.*

*Шу кунларда бригада далаларида лавлаги ва маккажўхори экиш авж олиб кетди. Миришкорлар бу ишни март ойининг охиригача тугаллашга ҳаракат қилишяпти. Шунингдек, бригадада чигит экиш кампаниясига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.*

*Т. ХУШНАЗАРОВ,*



**Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг теплица комбинатида помидор, бодринг сингари сабзавот экинлари билан бирга лимондан ҳам ҳар йили мўл ҳосил олинади. Бу ерга мактаб ўқувчилари тез-тез келиб, ишлаб чиқариш практикаси ўтказиб турадилар. Суратда: 10-синф ўқувчиси Анора Азизова теплица комбинатида.**

**А. Абалян** фотоси.

